

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 368.8(575.1)

АБДУРАХМОНОВ ИЛЬЁС ХУРШИДОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАВОБГАРЛИКНИ
СУҒУРТАЛАШНИНГ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2010

Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Шеннаев Хужаёр Мусурманович.

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор
Олимжонов Одил Олимович;

иқтисод фанлари номзоди
Қўлдошев Қамариддин Мансурович.

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги.**

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д 005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил «___»_____соат «___»да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент ш., Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «___»_____да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод фанлари доктори**

Ф.И.Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётида суғурта хизматларига бўлган талаб тобора ошиб бораётганлиги кузатилмоқда, яъни, бу борада 2009 йилда суғурта ташкилотлари томонидан жами 146,1 млрд. сўм миқдорида суғурта мукофотлари йиғилганлиги, бу-ўтган йилнинг тегишли кўрсаткичидан 58,1 млрд. сўмга кўп бўлганлиги билан асосланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу ...жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат²... Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ...»³.

Мамлакатимизда иқтисодий тармоқларининг барқарор ривожланишида ва уларни молиявий фаолиятида кўрилиши эҳтимол бўлган рисклардан ҳимоялашда суғурта тизими катта аҳамиятга эга бўлган соҳа саналади.

Суғурта бозорида суғурталовчиларнинг кенг кўламли қатлами юзага келганлиги, улар томонидан салоҳиятли мижозларни суғурта ҳимоясига жалб этишда ушбу субъектларнинг манфаатига мос келадиган янги суғурта хизматлари таклиф этилаётганлиги, улар ўртасида рақобат муҳити кучаяётганлиги –суғурта жараёни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қабул қилинаётган қатор фармон ва қарорлар суғурта хизматлари сифат жиҳатдан янги босқичга чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодийни модернизациялаш шароитида миллий суғурта тизими хизматлари билан боғлиқ қатор муаммолар вужудга келаётганлиги боис, умумий нисбатда жавобгарликни суғурталаш кўрсаткичлари ҳамон пастлигича қолмоқда. Масалан, жавобгарликни суғурталаш юзасидан мижозлар талабига мос келадиган суғурта хизматлари кўрсатиш ҳолати қониқарли даражада эмас. Бунинг сабабларидан бири шуки, қонунчилик ҳужжатларида айрим тоифа фуқароларнинг касбий жавобгарлигини суғурталаш мажбурий шаклда ўтказилиши кўрсатилган бўлса-да, унинг ижросини таъминлаш юзасидан қонун ости ҳужжатлари қабул қилинмаганлигидир⁴.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикаимизда жавобгарликни суғурталашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009.- 4 б.

³ Ўша ерда -7 б.

⁴ Бу ўринда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун (9 декабрь 1992 йил), «Нотариат тўғрисида»ги қонун (26 декабрь 1996 йил), «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги (19 август 1999 йил) каби қонунлар назарда тутилмоқда.

зарурлиги ушбу муаммонинг долзарблигини белгилайди ва мавзуни мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида танланишга сабаб асос бўлди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жавобгарликни суғурталашнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлар В.Ю.Абрамов, Д.Бланд, А.А.Гвозденко, Л.А.Орланюк-Малицкая, Т.А.Федорова, В.В.Шахов, И.Э.Шинкаренко, Р.Т.Юлдашевларнинг⁵ илмий ишларида тадқиқ қилинган. Ўзбекистонлик иқтисодчилар Т.М.Баймуратов, М.А.Мирсодиқов, А.С.Нуруллаев, Ҳ.Р.Собиров, Х.М.Шеннаев ва Қ.М.Қўлдошевлар⁶ жавобгарликни суғурталашнинг амалий жиҳатларини таҳлил қилишга ўз эътиборларини қаратишган. Умуман, иқтисодий адабиётда жавобгарликни суғурталаш муаммолари мамлакатимиз мисолида мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент Молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида жавобгарликни суғурталаш бозорини амал қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- жавобгарлик суғуртасининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ёритиш ва тавсифлаш;
- жавобгарлик суғуртасининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини баҳолаш ва такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;
- фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг зарурлигини асослаш;
- жавобгарлик суғуртасининг асосий класс (тур)лари бўйича таснифлаш;
- касбий жавобгарликни суғурталашнинг ҳуқуқий асосларини баҳолаш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;
- жаҳон амалиётида жавобгарлик суғуртасининг иқтисодий-ташкилий асосларини таҳлил қилиш асосида унинг илғор тажрибаларини республикамізда ижобий қўллашга қаратилган илмий тавсиялар тайёрланди;
- жавобгарлик суғуртаси ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

⁵ Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика. – М.: «Волтерс Клувер», 2007. - 512 с.; Бланд Д. Страхование: принципы и практика. – М.: «Финансы и статистика», 1998. – 413 с.; Гвозденко А.А. Страхование: учебник. – М.: «Издательство Проспект», 2006. - 464 с.; Орланюк-Малицкая Л.А. Страхование: учебник. – М.: «Высшее образование», 2010. - 828 с.; Федорова Т.А. Страхование. – М.: «Магистр» 2008. - 699 с.; Шахов В.В. Введение в страхование. М.: «Финансы и статистика» 2001. – 566 с.; Шинкаренко И.Э. Страхование ответственности: Справочник. – М.: «Анkil», 2006. – 416 с.; Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес: словарь-справочник. – М.: «Анkil», 2005. - 832 с.

⁶ Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятида рисклар трансфери. –Т.: «Иқтисод молия», 2005. – 196 б.; Мирсодиқов М., Садриддинов А. Страховой рынок Узбекистана: итоги и перспективы//Бозор, пул ва кредит. – Т.: 2009. № 2–57-62 б.; Нуруллаев А.С. Ўзбекистон Республикасида фермер ва деҳқон хўжаликларини суғурталаш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2007.- 23. б.; Собиров Ҳ.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: «Меҳнат», 1998. – 160 б.; Шеннаев Х. Суғурта иши. –Т.: «Турон иқбол», 2006. – 224 б.; Қўлдошев Қ.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2009. –23 б.

Тадқиқот объекти ва предмети. Суғурта ташкилотларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг учинчи шахсларга зарар етказиш билан боғлиқ мулкӣ манфаатларини суғурталаш борасидаги фаолияти мазкур тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади.

Жавобгарликни суғурталаш жараёнида суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ушбу илмий-тадқиқот ишининг предмети саналади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот ишида кузатиш, гуруҳлаш, умумлаштириш, қиёсий, омилли ва динамик таққослама, мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси сифатида суғурта бозорида мавжуд суғурта хизматлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш натижасида жавобгарликни суғурталаш бўйича кўрсаткичлар кескин ошади, деган илмий фараз қабул қилинган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- суғурта бозорида юридик ва жисмоний шахслар жавобгарлигини суғурталашни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган;

- мажбурий суғурталашнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш орқали жавобгарлик суғурта турларининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитни юзага келтириши илмий асосланган;

- суғурта бозорида шаклланган рақобат шароитида жавобгарликни суғурталашнинг амалдаги турларини янада такомиллаштириш ва амалиётда қўллаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий янгилиги:

- жавобгарликни суғурталаш илк бор мустақил, яхлит илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилган;

- касбий жавобгарликни суғурталашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш зарурлиги таклиф этилган;

- Ўзбекистонда давлат капитали иштирокида қайта суғурталаш ташкилотини ташкил этиш зарурлиги асослаб берилган;

- рақобат кучайиши шароитида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича кўриладиган зарарларини бевосита қопланиши суғурта мукофотларининг жадал ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши, диссертациянинг илмий хулоса ва амалий тавсияларидан суғурта хизматларини такомиллаштириш, келажакда кенг кўламда чуқур тадқиқ этишга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти, диссертациянинг илмий таклиф ва амалий тавсиялари республикаимиз суғурта ташкилотлари фаолияти ва суғурта хизматлари комплекс ривожлантирилишига қаратилган ҳукуматнинг мақсадли дастурлари, чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилишида қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Суғурта

назарияси», «Суғурта иши» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар «Silk Road Insurance» ОАЖ (2009 йил 7 сентябрдаги 1-сонли далолатнома) ва «Agro Invest Sug'urta» ОАЖ суғурта компаниялари (2009 йил 15 сентябрдаги 3-сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Диссертация натижаларидан Тошкент Молия институтида «Суғурта иши», «Суғурта назарияси» (2009 йил августдаги далолатнома) фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий натижалари «Ўзбекистонда божхона ва халқаро транспорт хизматларини такомиллаштириш» (Тошкент, 2003); «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия, кредит, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш масалалари» (Тошкент, 2004); «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (Москва, 2008); «Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики» (Москва, 2008) халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент Молия институти кафедралараро илмий семинари ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари бўйича жами 7 та, шу жумладан, халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида 5 та илмий тезислар ҳамда иккита илмий мақолалар чоп этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 138 саҳифадан иборат бўлиб, унда 12 та жадвал, 21 та расм ва олти илова келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида турли мулкчилик шаклидаги суғурта ташкилотлари вужудга келиши билан бир қаторда, янги жавобгарликни суғурталаш хизматлари йўлга қўйилиши учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодий адабиётда жавобгарликни суғурталаш суғуртанинг мустақил тармоғи сифатида қайд этилади. Жумладан, В.В.Шаховнинг таъкидлашича, «жавобгарликни суғурталаш – бу мустақил суғурта тармоғи бўлиб, унда суғурта объекти суғурталанувчининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида учинчи шахсларга (юридик ва жисмоний шахслар) етказилиши мумкин бўлган зарар олдидagi жавобгарлиги ҳисобланади»⁷. Ҳ.Р.Собиров жавобгарлик суғуртасига суғуртанинг мустақил тармоғи сифатида эътибор қаратади⁸. М.А.Сафронов фикрича эса, жавобгарлик суғуртаси деганда, «бир шахс томонидан бошқа бир шахс мулкӣ манфаатларига зарар етказиш жавобгарлигини суғурталовчи ихтиёрига ўтиши тушунилади»⁹.

Жавобгарликни суғурталаш суғуртанинг мустақил тармоғи бўлиб, унинг пайдо бўлганига юз йилдан ошди¹⁰. Суғурта соҳасининг ривожланиш жараёнида жавобгарликни суғурталаш жабҳалари кенгайиб борди ва унинг қамрови ошди. Мазкур суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларини тўлаб бериш мажбурияти суғурталовчилар зиммасига юклатилиши билан изоҳланади. Ушбу ўринда, суғурталанувчи сифатида мижоз юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Жавобгарликни суғурталашнинг тарихий айрим унсурларини қадимги Рим мисолида кўриш мумкин. Римда «денгиз рискларидан ҳимояланиш юзасидан жамият» ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси мазкур жамият аъзолари мулки денгиз қароқчилари томонидан ўғирланганда ёки йўқотилган ҳолларда йўқотилган мулкни сотиб олиш харажатлари қопланишини таъминлашдан иборат бўлган. Қадимги Грецияда ҳам жавобгарликни суғурталашнинг айрим қирралари назарга ташланади¹¹.

Ўзида қатор бир-нечта суғурта турларини мужассамлаштирган, суғурта соҳасининг мустақил тармоғи бўлган, жавобгарликни суғурталашнинг моҳияти шундан иборатки, у жисмоний ва юридик шахсларга суғурталанувчи томонидан етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилгандир.

Жавобгарликни суғурталаш ўзида мол-мулк ва шахсий суғурта турларининг айрим қирраларини намоён этади. Яъни, агар зарар юридик ёки жисмоний шахснинг мол-мулкига етказилган бўлса мол-мулк суғуртасини; агар зарар жисмоний шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган бўлса, шахсий суғурта турларини қамраб олади. Шунингдек, мол-мулк ва шахсий суғурта

⁷ Шахов В.В Введение в страхование. «Финансы и статистика». – Москва, 2001. с. 26.

⁸ Собиров Ҳ.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. Т.: «Меҳнат», 1998. - 45 б.

⁹ Сафронов М.А. Страхование ответственности. – «Страховое дело», № 2 1997. с.12.

¹⁰ Основы страховой деятельности. Учебник (отв. ред. проф. Т.А.Федорова).- М: «БЕК», 2001. с. 549.

¹¹ Ўша ерда - 550 б.

турларидан фарқли равишда, жавобгарликни суғурталаш, биринчи навбатда, суғурталанувчи томонидан етказилган зарарларни қоплаш ва бир вақтнинг ўзида суғурталанувчининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя этиш воситасидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жавобгарликни суғурталашга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Жавобгарликни суғурталаш – бу эҳтимолликка кўра, тасодифан ва олдиндан кўриб бўлмайдиган суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида юридик ва жисмоний шахслар томонидан учинчи бир шахсларга етказилган зарарни суғурта воситасида қоплаш билан боғлиқ муносабатлар йиғиндисидир.

Жавобгарликни суғурталашда суғурта объекти бўлиб, суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларини қоплаш билан боғлиқ мулкӣ манфаатлари ҳисобланади, (1). Суғурталанувчининг учинчи шахсларга етказган зарарларни қоплаш билан боғлиқ жавобгарлиги тузилган суғурта шартномасига мувофиқ муайян ҳақ тўлаш эвазига суғурталовчига ўтказилади, (2). Суғурта ҳодисаси рўй берганда, яъни суғурталанувчи учинчи шахсларга зарар етказганда, бу зарар суғурталовчи томонидан қопланади (3), (1-расм).



1-расм. Жавобгарликни суғурталашда суғурта субъектларининг ўзаро муносабати¹²

Бошқа суғурта тармоқларига нисбатан жавобгарликни суғурталаш иккита асосий вазифани бажаради: биринчидан, суғурталанувчиларнинг ёки суғурталанган шахсларнинг учинчи шахсларга етказган зарарларини тўлаб бериш билан боғлиқ харажатлар ва уларни моддий йўқотишлардан ҳимоя қилиш; иккинчидан эса, жабрланган шахсларга етказилган зарарларни қоплаб беришни таъминлаш. Ушбу объектив вазифалардан келиб чиқиб, аксарият ривожланган хорижий давлатларда жавобгарликни суғурталаш турлари мажбурий равишда амалга оширилади. Суғурта турларининг бундай шаклда амалга оширилишида айбдор шахсларнинг (юридик ва жисмоний шахслар) хоҳиш ва имкониятларига қарамасдан давлат салоҳиятли жабрланувчиларнинг зарарларини қоплаб беришни кафолатлайди.

Жавобгарликни суғурталашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Суғурта фаолияти тўғрисида», «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини

¹² Расм муаллиф томонидан тузилган.

мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 413-сонли қарори билан тасдиқланган «Суғурта фаолияти классификатори»га мувофиқ жавобгарликни суғурта қилиш қуйидаги классларга бўлинади, (1-жадвал).

1-жадвал

Умумий суғурта тармоғининг жавобгарликни суғурталашга оид класслари¹³

Класс т/р	Класснинг номи	Мазмуни ва суғурта қилиш шартлари бўйича талаблар:
10-класс	Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш	ер усти транспорт воситалари ва бошқа ўзини юрар машиналар ва механизмлардан фойдаланиш оқибатида, ташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари;
11-класс	Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш	ҳаво кемасидан фойдаланиш оқибатида, авиаташувчиларнинг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари;
12-класс	Денгиз суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш	денгиз ва ички кемалардан фойдаланиш оқибатида, денгиз ташувчисининг жавобгарлиги ҳам шу жумлага киради, учинчи шахсларга (жисмоний ва юридик шахсларга) зарар етказилган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари;
13-класс	Умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш	10-, 11- ва 12-классларда кўрсатилмаган таваккалчиликлар оқибатида учинчи шахслар (жисмоний ва юридик шахслар) олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари.

Кўрсатилган класслар бўйича лицензия олган суғурталовчилар жавобгарликни суғурталаш турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Суғурта юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ишончли ҳимоя этувчи самарали восита сифатида бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Аммо, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда юридик ва жисмоний шахсларнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятини суғурта ҳимоясига олиш катта қийинчиликка учраяпти. Бунга қатор омиллар сабаб бўлмоқда:

- юридик ва жисмоний шахслар тўлов қобилиятининг пастлиги;
- суғурта тарифларининг юқорилиги;
- суғурта ташкилотларига бўлган ишончсизлик белгилари;
- юридик ва жисмоний шахслар суғуртанинг моҳиятини тўлиқ тушуниб етмасликлари.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, суғурта орқали юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг ҳаёти, соғлигини ва мол-мулкларини ҳимоя қилсалар, жавобгарликни суғурталаш орқали эса, улар ўзларининг учинчи шахсларга зарар етказиш жавобгарликларини суғурталайдилар.

Жавобгарликни суғурталаш турларининг ривожланиши юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқий маданиятининг ривожланиши билан боғлиқлиги, шунингдек, жавобгарликни суғурталаш орқали юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарларни қоплаб беришда оптимал даражада фойдаланиш мумкинлиги ҳамда суғурталанувчилар манфаатларининг ишонарли тарзда ҳимоя қилиш воситаси эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида суғуртанинг аҳамияти ошиб бормоқда. 2009 йилда юридик ва жисмоний шахсларга мамлакатимиз суғурта ташкилотлари томонидан 20,7 млрд. сўм миқдорида суғурта қопламалари тўлаб берилди. Бу ўтган 2008 йил кўрсаткичига нисбатан 5,2 млрд. сўм кўпдир.

Суғурта хизматлари бозорида йиғилган суғурта мукофотларининг суғурта турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин, (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида жамланган суғурта мукофотларининг таркибий ўзгариши¹⁴, (млрд. сўмда)

Суғурта турлари	Йиллар						
	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Шахсий суғурта	1,8	2,4	2,7	3,9	6,8	10,1	15,5
Мулкий суғурта	21,4	24,5	30,3	36,7	55,5	59,5	78,7
Жавобгарлик суғуртаси	1,4	3,4	7,2	6,4	7,8	11,0	13,6
Мажбурий суғурта	2,5	2,6	2,4	2,7	3,5	7,4	38,3
Жами	27,1	32,9	42,6	49,7	73,6	88,0	146,1

2-жадвал маълумотлари кўрсатишича, деярли барча суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотларида ўсиш кузатилган. Мол-мулкни суғурта қилиш бўйича йиғилган суғурта мукофотлари бошқа суғурта турларига нисбатан салмоқли улушларни ташкил этиб келмоқда. Жавобгарликни суғурталаш бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари 2003-2005 йилларда ўсган, аммо, 2006 йилда бу кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан пасайган. 2006-2009 йилларда эса, мазкур суғурта тури бўйича йиғилган суғурта мукофотларида ўсиш тенденцияси кузатилган. Худди шундай ҳолатни мажбурий суғурта турларида ҳам кўришимиз мумкин.

Суғурта хизматлари бозорида тўланган суғурта қопламаларини суғурта турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кўришимиз мумкин, (3-жадвал).

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида тўланган суғурта қопламалари таркибининг ўзгариши¹⁵, (млрд. сўмда)

Суғурта турлари	Йиллар						
	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Шахсий суғурта	0,40	0,52	0,62	0,92	1,10	2,50	2,61
Мулкий суғурта	1,70	2,80	3,40	5,0	6,40	11,40	12,46
Жавобгарлик суғуртаси	0,20	0,08	0,08	0,08	0,10	0,10	0,17
Мажбурий суғурта	0,40	0,70	0,70	0,90	1,10	1,50	5,48
Жами	2,70	4,10	4,80	6,90	8,70	15,50	20,72


3-жадвал маълумотлари кўрсатишича, жавобгарликни суғурталаш бўйича тўланган суғурта миқдори жами суғурта қопламалари таркибида паст даражада бўлиб, мазкур кўрсаткич 2007-2008 йилларда ўзгармаган. Бу шундан далолат берадики, жавобгарликни суғурталаш бўйича йиғилган суғурта мукофотлари суғурта ташкилотлари ихтиёрида қолади, яъни жавобгарликни суғурталаш суғуртанинг даромадли турларидан ҳисобланади.

2009 йилда суғурта мукофотларининг зарарлилик даражаси 14,1 фоиз кўрсаткични ташкил этди. Демак, суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган 14,1 фоиз суғурта мукофотлари суғурталанувчиларга суғурта қопламалари кўринишида қайтарилган. Қолган қисми эса, суғурта захиралари, суғурта ташкилотлари даромадларини шакллантирилишида ва харажатлари қопланишида ишлатилди. Халқаро суғурта бозорида ушбу кўрсаткич суғурта турларига қараб, 40-45 фоизга яқин бўлади.

2009 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорида йиғилган суғурта мукофотларининг 9,3 фоизи жавобгарликни суғурталаш ҳиссасига тўғри келган, яъни 13,6 млрд. сўмни ташкил этган. Жавобгарликни суғурталаш бўйича тўланган суғурта қопламалари умумий суғурта қопламалари таркибида 0,8 фоизни, яъни 0,17 млрд. сўмни ташкил қилган. Суғурта мукофотларининг зарарлилик коэффиценти 1,2 фоизни ташкил қилади. Ихтиёрий жавобгарликни суғурталаш бўйича йиғилган суғурта мукофотларининг 98,8 фоизи ёки 13,43 млрд. сўми суғурта ташкилотлари ихтиёрида қолган. Дарҳақиқат, жавобгарликни суғурталаш суғуртанинг даромадли турлари қаторига киради. Бу эса, жавобгарликни суғурталаш турларини ривожлантириш учун яна бир муҳим омил бўлиб ҳисобланади.


Суғурта хизматлари сифатининг доимий равишда ошиб бориши, шунингдек, уларнинг фойдалилиги, суғурта қопламалари ҳажми кўрсаткичлари ўсиши билан тасдиқланади. Таъкидлаш жоизки, мавжуд маълумотларга кўра суғурта қопламалари ҳажми 2009 йилда охириги беш йил ичидаги энг юқори кўрсаткични ташкил этди. Сўнгги уч йил ичида суғурта қопламалари ҳажмининг динамикасида ўсиш тенденцияси кузатилди, (2-расм).

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорида жамланган суғурта мукофотлари ва тўланган суғурта қопламалари динамикаси¹⁶, (млрд. сўмда).

Суғурта хизматлари бозорининг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, жавобгарликни суғурталаш бўйича кўрсаткичларда ҳам ижобий ўзгариш бўлганлигини кузатиш мумкин, (3-расм). 2009 йилда жами суғурта мукофотлари таркибида жавобгарликни ихтиёрий суғурта қилиш турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари 9,3 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 1,8 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлил этилаётган даврда энг юқори кўрсаткич мулкый суғурта турларига тўғри келиб, унинг жами суғурта мукофотларидаги улуши 53,8 фоизни ташкил этган. Бу республикада мулкый суғурта турлари етарли даражада ривожланаётганлигини кўрсатади.



3-расм. Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорида жамланган жами суғурта мукофотлари таркибида мол-мулк ва жавобгарликни суғурталаш турларининг солиштира таҳлили¹⁷, (% да).

3-расм маълумотлари кўрсатишича, 2003-2009 йилларда жавобгарликни суғурталаш турлари суғурта бозорида ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо шундай бўлишига қарамасдан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон суғурта бозорида жавобгарликни суғурталаш ҳали ҳал қилувчи ўринга эга эмас. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, жавобгарликни суғурталаш турларини салоҳиятли суғурталанувчилар ўртасида жозибадорлигини ошириш мақсадида суғурта

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

назорат давлат инспекцияси томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди. Суғурталовчиларга эса, жавобгарликни суғурталаш бўйича маркетинг ишларини жонлантиришни таклиф этамиз.

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида жавобгарликни суғурталашнинг ўрнини кўрсатувчи муҳим кўрсаткич – бу, мазкур суғурта тури бўйича тузилган суғурта шартномалари сонига ўзгаришдир.

4-жадвал

Ўзбекистон суғурта хизматлари бозорида амал қилаётган суғурта шартномалари таркибида суғурта турларининг улуши¹⁸, (% да)

Суғурта турлари	Йиллар							
	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Шахсий суғурта	49,8	45,3	50,5	53	55,2	54,3	52,3	41,1
Мулкый суғурта	42,7	44,1	40,3	37,2	38	37,6	39,3	34,5
Жавобгарлик суғуртаси	0,3	2,5	0,6	0,6	0,6	1,3	1,3	0,8
Мажбурий суғурта	7,2	8,1	8,6	9,2	6,2	6,8	7,1	23,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100

4-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, жавобгарликни суғурталаш бўйича тузилган суғурта шартномалари улуши жами суғурта шартномалари таркибида 2,5 баробар ортганига қарамай, энг паст кўрсаткични ташкил этмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, жавобгарликни суғурталаш (касбий жавобгарлик) турларини ривожлантиришнинг бевосита усулларида бири – бу, ўзаро суғурталаш жамиятлари бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўзаро суғурталаш жамиятлари ташкил этилмаган. Бу борада кичик бизнесни рағбатлантириш мақсадида ўзаро суғурталаш соҳасини такомиллаштириш зарур. Бу, ўз навбатида, нафақат суғурта бозорининг, балки бозор муносабатларининг жадал ривожланишига туртки бўларди.

Касбий жавобгарлик суғуртасининг ривожланишида суғурталовчилар бир қатор муаммоларга дуч келмоқдалар. Қонунчилик ҳужжатларида айрим тоифа фуқароларнинг касбий жавобгарлиги мажбурий шаклда ўтказилиши кўрсатилган бўлса-да, унинг ижросини таъминлаш юзасидан қонун ости ҳужжатлари қабул қилинмаган. Бошқа суғурта турлари каби касбий жавобгарликни суғурталашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, касбий жавобгарлик турининг ривожланишига замин яратган бўлар эди. Бу борада Президентимиз И.А. Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтганлар, «Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ...қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор»¹⁹.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2008 йил жавобгарликни суғурталашнинг мажбурий турларини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йили бўлди.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг www.mf.uz –интернет саҳифаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент.: “Ўзбекистон” 2010. –Б. 21.

Сабаби, 2008 йилда «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, 2009 йилда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, 2008 йил 10 декабрда «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги 271-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Айтиш керакки, мажбурий суғурталаш юртимиз молия бозорини ривожлантириш аҳолининг ижтимоий муҳофазасини янада мустаҳкамлашда ҳам катта роль ўйнайди. Шу боис, ишонч билан айта оламизки, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида суғурта амалиёти, хусусан, мажбурий суғуртанинг аҳамияти каттадир. Мажбурий суғурта турларининг кенг қамровлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу, ўз ўрнида суғуртанинг ривожланишига ва омма орасида кенг қўламда тарқалишига имконият яратади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида пул маблағларининг етишмаслик муаммосини давлат бюджети маблағларини жалб қилмасдан туриб ечиш асосий муаммодир. Бунда суғуртанинг инвестиция фаолиятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди»²⁰.

Хорижий мамлакатларнинг суғурта бозорида жавобгарликни суғурталашдан йиғилган суғурта мукофотлари салмоқли ўринни эгаллайди, шунингдек, жавобгарликни суғурталаш унинг даромадли турларидан биридир. Уларни такомиллаштириш орқали суғурта ташкилотлари инвестицион имкониятлари ошишига эришилади. Бу, ўз навбатида, суғурта ташкилотлари молиявий имкониятларини оширади ва республиканинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қисман бўлсада қондириши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси суғурта хизматлари бозорида ривожланиш имкониятлари яратилаётганлиги ва мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар яқин келажакда суғуртанинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини сезиларли даражада ошишидан далолат бермоқда. Бу эса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда, Ўзбекистон шароитида уни юмшатишда ёрдам беради.

²⁰ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент.: “Ўзбекистон” 2010. –Б. 43.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

- жавобгарликни суғурталаш суғуртанинг мустақил тармоғи эканлиги асосланди;

- жавобгарликни суғурталаш бу – эҳтимолликка кўра, тасодифан ва олдиндан кўриб бўлмайдиган суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида юридик ва жисмоний шахслар томонидан учинчи бир шахсларга етказилган зарарни суғурта воситасида қоплаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир;

- жавобгарликни суғурталаш орқали юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарларни қоплаб беришда оптимал даражада фойдаланиш мумкин ва жавобгарликни суғурталаш юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий манфаатларини ишонарли тарзда ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади;

- фикримизча, юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида учинчи шахсларга зарар етказишлари мумкинлиги ва етказилган зарар албатта қопланишини ҳисобга олган ҳолда, жавобгарликларини суғурта қилишларини тавсия қилиш мумкин.

Тадқиқот ишида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасида «аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги тузилган шартнома асосида амалга оширилади» деб кўрсатилган, лекин суғурталаш шартлари, суғурта суммалари, суғурта тариф ставкалари, суғурталаниши лозим бўлган рисклар таснифи тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар келтирилмаган.

Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиққан ҳолда, аудиторларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилинишини тезлаштириш зарур.

2. «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасида «Баҳоловчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади», деб кўрсатилган. Фикримизча, баҳоловчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатини, яъни ҳукуматнинг баҳоловчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш тўғрисидаги махсус қарори қабул қилиниши, унда суғурта жавобгарлиги ҳажми ва суғурталаш шартлари, шу жумладан, суғурта тариф ставкалари белгиланиши лозим.

3. «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 20-моддасида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолиятини суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузиши шартлиги ва нотариус суғурта шартномасини тузмасдан ўз мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмаслиги, шунингдек, суғурта суммаси белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан кам бўлмаслиги таъкидланган. Фуқаролик кодекси талаблари ва

«Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига асосан нотариусларнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашнинг қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш лозим.

4. Суғурта хизматлари бозорида рақобат нафақат суғурта ташкилотлари ўртасида балки, суғурта бозорининг бошқа субъектлари ўртасида содир бўлади. Суғурта хизматлар бозорининг ана шундай субъектларидан бири – бу, ўзаро суғурталаш жамиятларидир. Бу, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг асосий мақсади ўз аъзоларига суғурта хизматларини кўрсатишдан иборат. Рақобат кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига ва нархига ҳам таъсир кўрсатади. Ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш касбий жавобгарликни суғурталаш турларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир.

5. Миллий суғурта хизматлар бозорида йиғилган суғурта мукофотларининг мамлакатимиз равнақи йўлида сарфлаш, шунингдек, давлат томонидан суғурта хизматлар бозорини янада ривожлантириш учун давлат капитали иштирокидаги қайта суғурталаш ташкилотини ташкил этиш лозим. Жавобгарликни мажбурий суғурталаш турларидан йиғилган суғурта мукофотларини фақат миллий қайта суғурталаш ташкилотлари зиммасига юклаш зарур.

6. Мажбурий суғуртада суғурталаш шартлари, суғурта қоидалари, тариф ставкалари ва суғурталанадиган рисклар ҳукумат қарорлари асосида белгиланади. Шундай экан, мажбурий суғурта хизматлари бозорида рақобат хизмат кўрсатишнинг сифати ва етказилган зарарларни оператив ҳал қилиш муддатларига қаратилади. Шу сабабли, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашда зарарларни тўғридан-тўғри қоплаб бериш механизмлари жорий этилиши суғурта ташкилотлари томонидан янги мижозларни жалб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Етказилган зарарларнинг бундай тартибда тўлаб беришдан асосий мақсад суғурталанувчиларни ортиқча қоғозбозликлар ва харажатлардан озод қилишдир. Бу, ўз навбатида, зарарларни вақтида тўлаш муддатларини қисқартиради.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмонов И.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида божхона брокерларининг касбий жавобгарлигини суғурталаш муаммолари // Ўзбекистонда божхона ва халқаро транспорт хизматларини такомиллаштириш Республика илмий-амалий анжуманининг маърузалари// – Тошкент, 2003. -Б. 13-15.
2. Абдурахмонов И.Х. Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия, кредит, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш масалалари: Республика талабалар илмий-амалий конференцияси материаллари// – Тошкент, 2004. -Б. 169-170.
3. Абдурахмонов И.Х., Бобожонов М.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий рискларни минималлаштириш масалалари // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия, кредит, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш масалалари: республика талабалар илмий-амалий конференцияси материаллари// – Тошкент, 2004. -Б. 19-20.
4. Абдурахмонов И.Х. Иш берувчиларнинг жавобгарлик суғуртаси // Солиқ тўловчининг журнали// –Тошкент, 2007.-№8. -Б. 34-35.
5. Абдурахмонов И.Х. Мажбурий суғурта давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати сифатида // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане// Материалы международной научно-практической конференции часть II. –Москва, 2008. -С. 291-292.
6. Абдурахмонов И.Х. Суғурта рискдан ҳимоянинг ижтимоий-иқтисодий элементи сифатида // Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики// Сборник научных трудов. – Москва, 2008. -С. 175-176.
7. Абдурахмонов И.Х. Мажбурий суғурта ижтимоий – иқтисодий ўсиш омили // Бозор, пул ва кредит// –Тошкент, 2009. -№5. -Б. 32-33.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Абдурахмонов
Ильёс Хуршидовичнинг 08.00.07-«Молия, пул муомаласи ва кредит»
иқтисослиги бўйича «Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни
суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш» мавзусидаги
диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: суғурта, суғурта бозори, мажбурий суғурта, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, мол-мулк суғуртаси, жавобгарликни суғурталаш тур (класс)лари, жавобгарлик лимити, суғурта мукофотларининг зарарлилик коэффиценти, қайта суғурта.

Тадқиқот объектлари: юридик ва жисмоний шахсларнинг учинчи шахсларга зарар етказиш билан боғлиқ мулкый манфаатларини суғурталаш юзасидан суғурта ташкилотларининг жавобгарликни суғурталаш бўйича олиб борадиган фаолияти.

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида жавобгарликни суғурталаш бозорини амал қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: кузатиш, гуруҳлаш, умумлаштириш, қиёсий, омилли ва динамик таққослама, мантиқий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: жавобгарликни суғурталаш илк марта мустақил илмий-тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилди; жавобгарликни суғурталашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари тадқиқ этилди, шу аснода суғурталаш бўйича алоҳида қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш зарурлиги асосланди; Ўзбекистонда давлат капитали иштирокидаги қайта суғурталаш ташкилоти ташкил этилиш зарурлиги асослаб берилди; рақобатнинг кучайиши шароитида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича кўриладиган зарарлар бевосита қопланиши суғурта мукофотларининг сезиларли ўсишига ижобий таъсир кўрсатиши асосланди.

Амалий аҳамияти: диссертацияда келтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан республикамиз суғурта ташкилотлари фаолияти ва суғурта хизматлари такомиллаштирилишига қаратилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқишида қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация ишининг илмий таклиф ва амалий тавсиялари «Silk Road Insurance» ОАЖ ва «Agro Invest Sug'urta» ОАЖ суғурта компаниялари томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Суғурта иши», «Суғурта назарияси» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Молия вазирлиги, суғурта ташкилотлари, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

**диссертации Абдурахмонова Ильёса Хуршидовича на тему:
«Совершенствование практики страхования ответственности в
Республике Узбекистан» на соискание ученой степени кандидата
экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное
обращение и кредит»**

Ключевые слова: страхование, страховой рынок, обязательное страхование, страховая премия, страховое возмещение, страхование имущества, виды (классы) страхования ответственности, лимит ответственности, коэффициент убыточности страховых премий, перестрахование.

Объекты исследования: деятельность страховых организаций по страхованию ответственности, имущественных интересов юридических и физических лиц, связанных с нанесением ущерба третьим лицам.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию механизмов функционирования рынка страхования ответственности в процессе модернизации.

Методы исследования: применялись методы наблюдения, группировки, обобщения, сравнительного, факторного и динамического сопоставления, логического анализа.

Полученные результаты и их новизна: впервые изучено страхование ответственности в качестве самостоятельной научно-исследовательской темы, исследованы организационно-правовые основы страхования ответственности, в этой связи обоснована необходимость принятия отдельных законодательных актов по страхованию; обоснована необходимость создания перестраховочной организации при участии государственного капитала в Узбекистане; обосновано положительное влияние прямого возмещения ущерба от страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств на значительный рост страховых премий в условиях усиления конкуренции.

Практическая значимость: научные предложения и практические рекомендации полученные в результате исследования могут быть использованы в разработке системы мер, направленных на совершенствование деятельности и страховых услуг страховых организаций в республике.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации диссертационного исследования приняты ОАО «Silk Road Insurance» и ОАО «Agro Invest Sug'urta» для внедрения в практику. Материалы исследования могут быть использованы в совершенствовании и при обучении учебных программ предметов «Теория страхования», «Страховое дело» в высших учебных заведениях.

Область применения: Министерство финансов, страховые организации, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Abdurakhmanov Ilyos Xurshidovich on the scientific degree competition of candidate of economic sciences on specialty 08.00.07 - «Finance, monetary circulation and credit», subject: «Enhancing practical of liability insurance in the Republic of Uzbekistan»

Key words: insurance, insurance market, obligatory insurance, insurance premium, insurance indemnity, property insurance, types (classes) of responsibility insurance, responsibility limits, loss ratios of insurance premiums, reinsurance.

Subjects of research: Activity of the insurance organizations concerning insurance of liability for insurance of property interests connected with causing losses to the third parties by legal and physical entities

Purpose of work: to develop scientific proposals and practical recommendations on enhancing the mechanism of functioning of liability insurance market during the processes of modernization

Methods of research: supervision, grouping, generalization, comparative, factorial and dynamic comparison, logic analysis.

The received results and their novelty: liability insurance was studied as an independent research subject for the first time, organizational legal bases of liability insurance were investigated, thereupon the necessity of adoption of legislative acts on insurance was proved; necessity of setting-up of an reinsurance organization with participation of state capital in Uzbekistan was proved; positive influence of the direct insurance indemnity of a damage from insurance of civil liability of vehicle owners on the considerable growth in insurance premium in the conditions of upward competition.

Practical value: scientific proposals and practical recommendations achieved as a result of the research can be used in working out the system of measures directed on enhancing the activity and insurance services of insurance organizations in the republic.

Degree of embed and economic effectivity: scientific proposals and practical recommendations of the dissertation are accepted by «Silk Road Insurance» Open Joint- Stock Company and «Agro Invest Sug'urta» Open Joint- Stock Company for introduction in practice. Research materials can be used in improvement and teaching of curriculums of subjects «Insurance», «Theory of insurance» in higher educational institutions.

Field of application: the Ministry of Finance, insurance organizations, higher educational institutions.

Тадқиқотчи _____